



BUYRUG'I

2014 yil "15" июль

№ 238

" " 20 г.

**Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари
фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Қонуни ижроси тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 июнда 08/1-1390-сон билан тасдиқланган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги 2014 йил 5 майдаги ЎРҚ-369-сон “Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар” режасида белгиланган вазифа ва топшириқлар ижросини ташкил этиш ва таъминлаш мақсадида буюраман:

1. Қуйидагилар:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 июндаги 08/1-1390-сонли “Комплекс чора-тадбирлар режаси”нинг ижросини таъминлаш юзасидан тасдиқланган Агентликнинг 2014 йил 27 июндаги 05/17-22-сон назорат-режасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳ таркиби 1-иловага мувофиқ;

- Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг фаолияти тўғрисидаги ахборотлар рўйхати 2-иловага мувофиқ;

- Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг фаолияти тўғрисида расмий веб-сайтга жойлаштирилладиган ахборотлар рўйхати 3-иловага мувофиқ;

- Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг фаолияти тўғрисидаги фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборотлар рўйхати 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ахборот хизмати (Ш.Мансуров) ушбу буйруқнинг 2 ва 3-иловалари билан тасдиқланган ахборотларни белгиланган тартибда ва ўз муддатларида тақдим этиб бориш учун масъул этиб белгилансин.

3. Ушбу буйруқнинг 4-иловаси билан тасдиқланган ахборотлар оммалаштирилмаслиги ва тарқатилмаслиги учун тегишлилиги бўйича бўлинмалар раҳбарлари жавобгар эканлиги таъкидлансин.

4. Умумий бўлим (Ғ.Бозоров) ушбу буйруқни тегишли ижрочиларга етказиш чораларини кўрсин.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Бош директор

А.Юнусов

**Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолиятининг
очиқлигини таъминлаш бўйича ўтказилаётган тадбирларни мониторинг
қилиш бўйича ишчи гуруҳи**

ТАРКИБИ

1.	К. Мансуров	Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Бош директорининг ўринбосари, гуруҳ раҳбари
2.	Ж.Набиев	Ижро интизоми бўйича назоратчи, котиб
3.	Х.Муродов	Оммавий ахборот воситалари ва нашриётлар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси Бошлиғи, аъзо
4.	Ш.Мансуров	Ахборот хизматининг раҳбари, аъзо
5.	М.Мамаюсупов	Юридик бўлим бошлиғи, аъзо
6.	Ш.Урунов	Лицензиялашни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи, аъзо
7.	Ў.Ҳамдамов	АКТ бўйича махсус бўлими бошлиғи, аъзо
8.	А.Кан	Матбаа корхоналарини сертификатлаш ва стандартлаштириш масалалари бўйича мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи, аъзо
9.	И.Назаров	Кадрлар ва мутахассислар тайёрлаш бўлими бошлиғи, аъзо
10.	Ғ.Бозоров	Умумий бўлим бошлиғи, аъзо

Изоҳ: Ушбу ишчи гуруҳи аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда тегишли лавозимларга янги тайинланган ёки вазифаларни бажарувчи шахслар ушбу таркибга киритилади.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолияти тўғрисидаги ахборотлар РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, унинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;
2. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, норматив ҳамда бошқа ҳужжатлар, шунингдек уларнинг ижро этилишининг бориши тўғрисидаги маълумотлар;
3. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, норматив ва бошқа ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек ушбу ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги маълумотлар;
4. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, норматив ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари тўғрисидаги маълумотлар;
5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан давлат дастурлари ҳамда бошқа дастурлар амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотлар;
6. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан ўтказиладиган оммавий тадбирлар (мажлислар, кенгашлар, учрашувлар, матбуот конференциялари, брифинглар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар;
7. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа органлари, жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги тўғрисидаги маълумотлар;
8. Амалга оширилишида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги иштирок этаётган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисидаги маълумотлар;
9. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг фаолияти соҳасига тааллуқли бўлган тармоқнинг (ҳудуднинг) ҳолатини ва унинг ривожланиш суръатини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар ҳақидаги, шу жумладан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар;
10. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан ўтказиладиган (ташқил этиладиган) очиқ танловлар (тендерлар) ва кимошди савдолари тўғрисидаги маълумотлар;
11. Бўш иш ўринлари, ишга қабул қилиш шартлари ва бўш иш ўринларини эгаллаш учун номзодларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги маълумотлар;
12. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан тузилган мувофиқлаштирувчи ва маслаҳат органлари тўғрисидаги маълумотлар;
13. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг очиқ ҳайъат мажлисларини ўтказиш режалари, шу жумладан мажлисларнинг кун тартиби лойиҳалари, улар ўтказиладиган сана, жой ва вақт, мажлисларда ҳозир бўлиш тартиби.

Эслатма: Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг фаолияти тўғрисидаги ахборот жумласига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маълумотлар ҳам киритилиши мумкин.

**Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг расмий веб-сайтига
жойлаштириш мажбурий бўлган ахборотлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг расмий веб-сайтига қуйидаги ахборотлар жойлаштирилади:

а) Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг ҳуқуқий мақомини, шу жумладан Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг, унинг таркибий бўлинмалари ва тизимидаги ташкилотларнинг ташкилий тузилмаси, вазифалари ва функцияларини белгилайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

б) Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий, норматив ва бошқа ҳужжатлар;

в) олдин Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисидаги маълумотлар;

г) Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолияти соҳасида Президент, Ҳукумат ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинган дастурлар тўғрисидаги умумий маълумотлар;

д) Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан ўтказиладиган оммавий тадбирлар (мажлислар, йиғилишлар, учрашувлар, матбуот конференциялари, семинарлар ва брифинглар, давра суҳбатлари, расмий ташрифлар) тўғрисидаги маълумотлар, кундалик фаолият тўғрисидаги бошқа ахборотлар;

е) Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг бошқа давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги маълумотлар;

ж) амалга оширилишида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги иштирок этадиган халқаро шартномалар тўғрисидаги ахборотлар;

з) Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолияти соҳасига кирадиган тармоқнинг ҳолатини, шу жумладан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳамда унинг ривожланиш динамикасини тавсифлайдиган асосий кўрсаткичлар тўғрисидаги маълумотлар;

и) Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, унинг тизимидаги ташкилотлар томонидан ўтказиладиган товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) бўйича очиқ танловлар (тендерлар) ва кимошди савдолари тўғрисидаги маълумотлар;

к) бўш иш ўринлари, ишга қабул қилиш шартлари ва номзодларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги маълумотлар;

л) расмий веб-сайтнинг ахборот материалларидан фойдаланишда унга ҳаволалар мажбурий кўрсатилиши тўғрисидаги талаб;

м) Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан ишлаб чиқиладиган қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисидаги маълумотлар;

н) Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан ташкил этилган мувофиқлаштирувчи ва маслаҳат органлари (комиссиялар, кенгашлар, қўмиталар ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар;

о) мажлис кун тартиби лойиҳалари, шунингдек сана, вақт, ўтказиш жойи ва уларда қатнашиш тартиби кўрсатилган ҳолда очиқ мажлислар ўтказиш режалари;

п) Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги расмий веб-сайтда жойлаштириш зарур деб ҳисоблайдиган бошқа умумий фойдаланиладиган ахборотлар ва маълумотлар.

2. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан расмий веб-сайт орқали кўрсатиладиган базавий ахборот хизматлари рўйхатига қуйидагилар* мажбурий тартибда тақдим этилади:

а) Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги раҳбарлари тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, биографик маълумотлар ва улар билан боғланиш маълумотлари, фуқароларни қабул қилиш кунлари);

б) Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ва унинг бўлинмаларининг (шумладан фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш бўлинмаларининг) телефон рақамлари ва манзилли реквизитлари (почта, электрон манзили ва бошқалар), уларнинг иш тартиби тўғрисидаги маълумотлар, маълумотлар бериш хизмати ва ишонч телефонларининг рақамлари, кириш йўллари, тўхташ жойлари ва жамоат транспорти рақамлари тўғрисидаги маълумотлар;

в) Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан қабул қилинадиган аризалар ва бланкалар шакллари;

г) юридик ва жисмоний шахсларнинг аризалари, шикоятлари ва бошқа мурожаатларини қабул қилиш тартиби тўғрисидаги ахборотлар;

д) Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг фаолияти тўғрисидаги таҳлилий маърузалар ва ахборот тусидаги шарҳлар, йил чораги ва йиллик ҳисоботлар, шунингдек тармоқнинг ҳолати тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар;

е) Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги раҳбарларининг расмий нутқлари ва баёнотлари матнлари;

ж) Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг статистик ахборотлари;

з) Интернет тармоғидаги бошқа тегишли веб-сайтларга ва Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталига ҳаволалар;

и) тесқари алоқа қилиш имкониятлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисоботлари, хатлари, аризалари, шикоятларини ва мурожаатларининг бошқа шакллари қабул қилиш (электрон-рақамли имзодан фойдаланишга қараб);

к) Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг матбуот хизмати тўғрисидаги маълумотлар (масъул ходимлар билан алоқага киришиш тўғрисидаги маълумотлар);

л) Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхати;

м) интерактив давлат хизматларининг алоҳида бўлими;

н) электрон почта орқали ҳамда эълонлар ва янгиликларни етказиб беришнинг оммавий автоматлаштирилган форматлари орқали расмий веб-сайтни янгилашга ёзилиш имконияти;

о) Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг «Электрон ҳукумат» тизимида қатнашиши, унинг роли ва қатнашиши хусусияти, шунингдек ушбу соҳада амалга ошириладиган тадбирлар (қандай давлат хизматлари кўрсатилади, қандай маълумотлар айирбошланади ва шу кабилар) тўғрисидаги маълумотлар;

п) аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг тез-тез бериладиган саволларига жавоблар.

3. Расмий веб-сайтда бошқа манбалардан ахборотларни жойлаштиришга фақат ахборот манбаи кўрсатилган тақдирда йўл қўйилади.

**Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг фаолияти тўғрисидаги
фойдаланилиши чекланган ахборотлар
РЎЙХАТИ**

1. “Хизматда фойдаланиш учун”, “Махфий” ва “Ўта махфий” грифли ҳужжатлар ва ушбу ҳужжатлар сақланадиган архивлар ҳамда уларнинг ижросига доир маълумотлар;
2. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ходимлари ҳақидаги шахсий маълумотлар;
3. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тасарруфидаги моддий ва номоддий активлар миқдори ҳақидаги маълумотлар;
4. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида фуқаро муҳофазасига доир маълумотлар;
5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида ходимларнинг хизмат вазифаларини бажариши ва хизмат интизомига риоя этишига доир маълумотлар;
6. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги раҳбар ходимлари ҳузурида ўтказилган тезкор йиғилишларга доир маълумотлар;
7. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига ишонч телефони орқали хабар берган шахслар тўғрисидаги маълумотлар;
8. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги қуйи ташкилотларининг моддий ва номоддий активлар миқдори ҳақидаги маълумотлар;
9. Давлат рўйхатидан ўтган оммавий ахборот воситалари, матбаа корхоналари ҳамда ноширлик фаолиятига лицензия олган юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳужжатлари йиғма жилдлари;
10. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан режалаштирилаётган ва ўтказилган мониторинг тадбирлари;
11. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш Республика Кенгаши томонидан тасдиқланган Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан ўтказиладиган режали текшириш бўйича тузилган далолатномалари;
12. Ўтказилган мониторинг ва текширишларда оммавий ахборот воситалари, нашриётлар ва матбаа корхоналари фаолиятида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларига оид маълумотлар;
13. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг идоравий архивида сақланаётган ҳужжатлар асосида ташкилот фаолиятига доир маълумотлар;
14. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари билан ошкор этилиши тақиқланган бошқа маълумотлар.

Агентлик фаолияти билан боғлиқ барча маълумотлар раҳбарият билан келишилган ҳолда маълумот сўраган тарафга тақдим этилади.

Рўйхатга киритилмаган маълумотлардан фойдаланишнинг чекланиши Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги раҳбарияти рухсати билан амалга оширилади.

